

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

21-сон
(1041)
2022 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

187. «Ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги ПФ–141-сон Фармони
188. «Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПФ–144-сон Фармони
189. «Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПҚ–257-сон қарори
190. «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини манзилли қўллаб-

- қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги ПҚ–258-сон қарори
191. «Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги ПҚ–259-сон қарори
192. «Фаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги ПҚ–262-сон қарори
193. «Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПҚ–263-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

187 Хисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Барча тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароити яратилишини давом эттириш, шунингдек, ҳисоб-китоб тизимининг шаффофлигини ошириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2022 йил 15 июндан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларида очилган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлари (кейинги ўринларда — махсус мақсадли ҳисобварақлар) тугатилади.

Бунда, хўжалик юритувчи субъектларнинг тугатилган махсус мақсадли ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиги уларнинг асосий ёки иккиламчи ҳисобварақларига ўтказилади;

б) махсус мақсадли ҳисобварақлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида очилади ва ёпилади;

в) махсус мақсадли ҳисобварақларни очиш ва (ёки) ёпиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан мажбурий равишда келишилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда айрим хўжалик юритувчи субъектларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлардан вақтинча фойдаланишга руҳсат бериш тўғрисидаги қарорни тасдиқласин.

3. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 майда эълон қилинган.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 май,
ПФ-141-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

188 Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларини ривожлантириш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислохотларнинг аниқ манзиллилигини таъминлаш, соҳаларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепциясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 майда эълон қилинган.

** 1а-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, Концепцияни 2024-2025 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланади.

2. Белгилансинки, Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутати:

а) сейсмология йўналиши доирасида:

зилзилаларнинг вужудга келиш механизми ва табиатининг ҳамда зилзила даракчиларининг турли геодинамик жараёнларда намоён бўлишини тадқиқ қилиш механизмини такомиллаштириш;

худудларни макросеймик балларда ва муҳандислик кўрсаткичларда сеймик микрохудудлаштириш бўйича онлайн-хариталарни ишлаб чиқиш;

турли даражадаги тектоник ер ёриқларининг ўрта масштабдаги харитасини яратиш ва уларнинг сеймик потенциални баҳолаш;

б) бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш йўналиши доирасида:

якка тартибдаги уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш;

бино ва иншоотлар ҳамда сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлик даражасини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

в) сейсмологик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш йўналиши доирасида:

автоматлаштирилган комплекс-прогностик станцияларни кўпайтириш ҳисобига республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш;

миллий сеймик кузатувлар тармоғининг халқаро сеймик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқаларини таъминлаш;

г) сеймик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши доирасида:

сейсмология соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда аҳоли ва давлат органларини зилзилада ҳаракат қилишга тайёрлаш фаолиятини тартибга солиш;

республика ҳудудидида қурилаётган бино ва иншоотлар, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари зилзилабардошлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.

3. Қўйидагилар:

Концепция ва «йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклатилсин;

Сейсмология, сеймик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сеймик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) давлат органлари томонидан Концепция ва «йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол зоналарида янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган объектларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартиби жорий этилади.

Бунда, Қурилиш вазирлиги экспертизадан ўтказилган хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини илмий хулосалар олишга йўналтиришга, Фанлар академияси объектларга зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар беришга масъул этиб белгилансин.

Фанлар академияси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартибини жорий этиш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Фанлар академияси томонидан Республиканинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасидаги маълумотлар асосида сейсмик заиф ижтимоий соҳа объектларининг рўйхатини ҳар йили 1 апрелга қадар шакллантириб бориш ҳамда инструментал-техник текширувдан ўтказиш ишларини Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ташкиллаштириш амалиёти йўлга қўйилади.

Бунда, инструментал-техник текширув ишлари учун маблағлар Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан қопланиши белгилансин;

в) 2022 йил 1 октябрдан бошлаб республика ҳудудидаги кўп квартиралли уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади ва хатлов натижасига кўра эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартиралли уй-жойлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича таклифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиб борилади.

Бунда, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўп квартиралли уй-жойларни зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи этиб белгилансин;

г) 2023 йил 1 майдан бошлаб сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий космик мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилиб, мазкур йўналишдаги масъул давлат органлари космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаб борилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги мазкур тизимни йўлга қўйиш учун масъул давлат органи этиб белгилансин.

5. Фанлар академияси:

2022 йил 1 июлга қадар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мутахассислар

ҳамда илмий доира вакиллари кенг жалб қилган ҳолда Сейсмик хатарни камайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022 йил 1 августга қадар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаси муаммоларининг илмий ечимига қаратилган таклифларни (тематик мавзуларни) шакллантириб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этсин;

2023 йил 1 февралга қадар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети олимлари билан ҳамкорликда ривожланган давлатларда қўлланаётган макросейсмик шкалаларни ўрганиб чиқиб, «UMS-22» миллий макросейсмик шкалани ишлаб чиқсин;

2022 — 2025 йиллар давомида Андижон, Тошкент, Гулистон, Нурафшон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қарши, Термиз, Нукус, Урганч шаҳарларининг рақамлаштирилган сейсмик микрохудудлаштириш хариталарини ишлаб чиқсин.

6. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб сув омборлари тўғонларида сейсмик хавфни олдиндан прогноз қилиш ва баҳолаш амалиётини жорий қилиш мақсадида:

космик мониторинг доирасида симуляцион дастур орқали зилзила натижасида тўғон ўпирилиши оқибатида сув босиши мумкин бўлган республика худудларининг визуал 3D моделларини ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

сув омборлари тўғонлари ўпирилиши оқибатида қутқарув ишларини ташкиллаштиришида тегишли вазирлик ва идораларни зарур космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаш тизими жорий этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2023 йил 1 февралга қадар мазкур амалиёт ва тизим ишга туширилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, 2023 йилдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол зоналарида баландлиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган серияли қурилиши режалаштирилган ёки танлаб олинган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, сифатини таъминлаш ҳамда камчиликларни олдиндан бартараф этиш мақсадида вибродинамик ускуна ёки замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида синов ва текширув ўтказиб борилади.

Бунда, синов ва текширувлар қурилиш ишларига масъул бўлган буюртмачи ташкилотлар томонидан ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

8. Қурилиш вазирлиги 2022 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон шароитида сўнгги замонавий усулларни ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда «Кўп қаватли биноларни лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини илмий-тадқиқот ва тажриба-синов натижалари асосида ишлаб чиқиш жараёни бўйича Кенгашга ахборот киритсин.

9. Транспорт вазирлиги:

а) 2022 йил 1 декабрга қадар:

республикадаги барча сунъий иншоотларни (кўприклар, тоннеллар, эстакадалар, темир йўл кўприклари ва бошқалар) хатловдан ўтказсин ва унинг натижаларини умумлаштириб, ягона рақамлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этсин;

аниқланган эгасиз сунъий иншоотларни идоравий мансублиги бўйича бириктириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) 2023 йил 1 мартга қадар республикадаги барча мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантирсин ҳамда уларнинг Республиканинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасига киритилишини таъминласин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ:

2022 йил 1 августга қадар биринчи босқичда 2022-2023 йилларда I ва II синфга кирувчи 32 та, иккинчи босқичда 2024-2025 йилларда III ва IV синфга кирувчи 26 та сув омборларида сейсмологик кузатувларни олиб бориш учун зарур асбоб-ускуналар харидини амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар тасарруфидаги тоифаланган сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлик бўйича экспертизаси экспресс услубиёт асосида ўтказилишини таъминласин.

11. 2022 йил 1 августга қадар Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида мавжуд штат бирликлари доирасида сейсмологик кузатувни доимий ташкиллаштириш бўйича мутахассис лавозими жорий этилсин;

Сув хўжалиги вазирлиги мазкур штат бирлигига соҳа бўйича тажрибага эга бўлган мутахассис кадрни тайинлаш чорасини кўрсин.

12. Қўйидагилар:

а) Кенгаш томонидан тасдиқланган режа-график асосида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги сув омборларида сейсмологик кузатувларни ўтказиш бўйича харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари сув омборларида сейсмологик кузатувларни ўтказиш учун маблағларни ўз вақтида ажратиб борилишини таъминласин;

б) Фанлар академияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сув хўжалиги вазирлигининг буюртмасига асосан сейсмологик кузатувларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминласин.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат органлари раҳбар кадрлари ва ходимларининг Аҳолининг барча қатламларини зилзилага тайёрлашга мўлжалланган миллий электрон платформа орқали малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ўтказиб борилади.

Бунда, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари раҳбар кадрлар-

нинг аҳолига зилзилалар вақтида ўзини тутиш қоидаларини тушунтириш, кучли зилзилалардан талафотларсиз чиқиш ҳамда кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш бўйича кўникмаларини оширишга йўналтирилади;

б) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси:

хар уч йилда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиб боради;

миллий электрон платформага малака ошириш бўйича замонавий дастурларни ишлаб чиқиб, киритади ва мунтазам равишда янгилаб боради.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар миллий электрон платформанинг юритилиши ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш тартибини тасдиқласин ва амалга киритсин.

14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 августга қадар аҳолининг барча қатламини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг тўғри ҳаракат қилишга мустақил ўргатиш учун мўлжалланган мобил иловани ишлаб чиқсин;

2023 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси аҳолисини зилзилага тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда tutувчи Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш йўналишида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ҳудудлар кесимида кенгайтириш мақсадида:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва Фарғона политехника институтида «Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги» таълим мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда мазкур таълим мутахассислиги бўйича қабул кўрсаткичларини 2022/2023 ўқув йили учун давлат буюртмаси параметрларига амалдаги квоталар доирасида киритиш чораларини кўрсин.

16. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб «Тарихий обидаларнинг сейсмик мустаҳкамлиги» таълим мутахассислигини очиш;

2022 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида зилзилалар кўп учрайдиган хавфли ҳудудлар учун турли хил даражадаги табиий офатлар сценарийларининг замонавий компьютер моделларини ҳамда кўрилган зарарларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларига киритиш;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳридаги Турин политехни-

ка университетда «Био ва иншоотларни замонавий компьютер дастурлари ёрдамида моделлаштириш» фани бўйича олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун интенсив курсларни ташкил этиш.

17. Қуйидагилар:

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетда грунтли иншоотлар, сув омборларининг тўғонлари, асос ва пойдеворларни зилзилабардошлик бўйича замонавий рақамли ҳисоблаш усуллари ва дастурлари (Plaxis, Ansys, Abaqus ва бошқалар) ёрдамида баҳолашга мўлжалланган «Сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини баҳолаш» ўқув-илмий лабораторияси;

Наманган муҳандислик-қурилиш институтида био ва иншоотларнинг зилзилабардошлик бўйича техник ҳолатини баҳолаш, актив сейсмик ҳимоялаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган «Био ва иншоотларни сейсмик ҳимоялаш» ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, ўқув-илмий лабораторияларнинг штат бирликлари «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ҳамда Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг профессор-ўқитувчиларини мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

Вазирлар Маҳкамаси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг асосланган таклифларига мувофиқ ўқув-илмий лабораторияларни зарур жиҳозлар билан босқичма-босқич Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминлаш чораларини кўрсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида соҳа ходимлари ва Кенгаш аъзоларидан иборат делегацияни шакллантириб, хорижий мамлакатларга қисқа муддатли таништирув-стажировка курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, таништирув-стажировка курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплансин.

19. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги:

2022 йил 1 декабрга қадар Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда республикадаги сейсмик фаол, ўрта фаол ва тинч ҳудудлар ҳамда майдонларни ўзида мужассамлаштирган интерактив онлайн-харитани ишлаб чиқсин;

2023 йил 1 августга қадар сейсмик фаол зоналарда жойлашган био ва иншоотлар майдонининг зилзилалар оқибатида деформацияси, силжиши, чўкиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган радиолокацион космик мониторинг тизимини яратсин.

20. Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳ-

камлиги институти учун ажратилган ер майдонида алоҳида маъмурий ва лаборатория биносини қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Фанлар академияси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига мазкур бандда назарда тутилган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш бўйича таклифларни тақдим этсин.

21. Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган лаборатория асбоб-ускуналари, ҳисоблаш техника воситалари ҳамда бутловчи материалларини қабул қилувчи ташкилотлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) 3 йил муддатга озод қилинсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

23. Фанлар академияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкиллаштиришга масъул ва шахсий жавобгар этиб фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Қўлдошев, қурилиш вазири Б.И. Закиров, сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев ва Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ҳар ярим йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 май,
ПФ-144-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 30 майдаги
ПФ-144-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг
сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини
2025 йилгача такомиллаштириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция)нинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Концепция Ўзбекистон Республикасида сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги режаларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, минтақалар ва тармоқлар бўйича дастурларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш ва илмий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган.

Концепция жаҳон тенденцияларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш мақсадларини, вазифаларини ва асосий йўналишларини, фан ва техника ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосидаги устувор тадбирларни ислоҳ қилиш йўналишларини белгилайди.

**2-боб. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг
сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик
мақсадлари**

Концепциянинг стратегик мақсадлари республиканинг сейсмик фаол зоналарида истиқомат қилаётган аҳолини, ҳар хил турдаги бино-иншоотлар-

ни ва муҳандислик инфраструктураларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилишнинг стратегик йўналишларини аниқлаган ҳолда 2025 йилгача илмий-амалий, дастурий ва ташкилий ишларни белгилаш ва амалга оширишдан иборат. Концепциянинг амалга оширилиши, келажакда Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва фавқулодда ҳодисаларда мавжуд ресурсларнинг оқилона тақсимланишига имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг барча қатламини зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва зилзиладан сўнг ҳаракат қилиш қоидаларига ўргатиш ва уларнинг тайёргарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш;

сейсмик хавфни, таъсирни ва хатарни баҳолашни хорижий тажриба асосида амалга ошириш учун илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда улар асосида норматив-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

сейсмик фаол зоналарда турли даражадаги сейсмик хатарни баҳолаш ва зилзила талафотларини камайтиришнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

шаҳар ҳудудлари бош лойиҳасини ишлаб чиқишни сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарга асосланган ҳолда амалга ошириш;

конструкциялар мустаҳкамлиги, бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларнинг зилзилабардошлиги соҳасида фундаментал, амалий, инновацион ва инвестицион лойиҳаларни кенгайтириш, зилзилабардош қурилиш технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш;

иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш, уларни сейсмик хавфсизлик соҳасига жорий этишни таъминлаш;

эҳтимоли юқори бўлган зилзилаларнинг зарарини ва оқибатларини камайтириш бўйича маҳаллий шароитларга боғлаб тайёрланган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш. Бино ва иншоотларни сейсмик ҳимоялаш услубларини, янги конструктив ечимларини ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш учун амалий масалаларни ҳисоблаш;

сув омборлари тўғонлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини мониторинг қилиш тизимини яратиш;

Республика ҳудудларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини тезлаштириш учун мақбул бўлган қонуний, инвестицион ва инфраструктура муҳитини яратиш;

сейсмик хавфсизлик соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларни етакчи хорижий илмий марказларда ва ишлаб чиқариш корхоналарида малакаларини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари

1-§. Сейсмология йўналиши

Сўнгги йилларда сейсмология соҳасида Ўзбекистон олимлари асосий фундаментал ғояларини ва амалий илмий изланишларини аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга қаратган.

Бугунги кунда республика аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш ва зилзила содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган сейсмик фаол зоналарда зилзилаларга олдиндан тайёрланиш орқали талафотларни камайтириш кўп жиҳатдан республиканинг стратегик ривожланишини белгилайди.

Сейсмология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар зилзила табиатини аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда зилзила даракчиларининг намоён бўлиш қонуниятларини аниқлашга, зилзила ўчоғи механизмлари ва параметрлари бўйича сейсмик тўлқинларнинг тарқалиши ва уларнинг геологик муҳитдаги хусусиятларини ўрганишга, турли даражадаги сейсмик фаол ер ёриқларида зилзилаларнинг ҳосил бўлиш ўчоқларининг жойлашишидаги ўрнини аниқлашга, сейсмик хавфни минтақавий ўзгаришини ва сейсмик тебранишларни ернинг юза қисмидаги грунт шароитига қараб ўзгаришини ва масофа бўйлаб сўнишини ҳамда ҳудудларнинг турли даражадаги сейсмик хатарини баҳолашга йўналтирилган.

Маълумки, сейсмология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар иқтисодий соҳалардаги долзарб амалий муаммоларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу тадқиқотлар негизида республиканинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга амалий муаммолар ҳал қилинмоқда. Булар бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш учун муҳим бўлган сейсмик хавфнинг миқдорий қийматларини мужассамлаштирган ҳолда турли даражада сейсмик ҳудудлаштириш (умумий ва муфассал сейсмик ҳудудлаштириш ҳамда сейсмик микроҳудудлаштириш) хариталари, сейсмик ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришнинг меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ 2.01.03-19 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш»), зилзилалар кучини аниқлаш шкаласи, республика ҳудудида жойлашган турли катталиқдаги сейсмик фаол ёриқлар ва сейсмоген зоналарнинг хариталаридир.

Сейсмология соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

зилзилаларни вужудга келиш механизми ва табиати ҳамда зилзила даракчиларини турли геодинамик жараёнларда намоён бўлишини тадқиқ қилиш асосида зилзилалар пайдо бўлиш механизмининг такомиллаштирилган моделини яратиш;

умумий сейсмик ҳудудлаштириш харитасининг жаҳон талаблари даражасидаги такомиллаштирилган кўринишини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилаётган меъерий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон ҳудудидаги турли даражадаги тектоник ер ёриқларининг ўрта масштабдаги харитасини яратиш ва уларнинг сейсмик потенциални баҳолаш;

жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб шаҳарлар ҳудудини макросейсмик балларда ва муҳандислик кўрсаткичларда сейсмик микроҳудудлаштириш онлайн-хариталарини ишлаб чиқиш ва уларни бино-иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун меъёрий ҳужжат сифатида рўйхатдан ўтказиш;

соҳада илғор тажрибага эга хорижий давлатларнинг илмий ва амалиётчи олимлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли масштабларда сейсмик хавфни, сейсмик таъсирни ва сейсмик хатарни баҳолашнинг геоахборот технологиялари асосидаги методикасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш.

2-§. Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш йўналиши

Замонавий механика фанининг ривожланиши ва ундан келиб чиқадиган қурилиш фанлари бино ва иншоотларнинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида сейсмик таъсирларга мустаҳкамлигини ҳисоблаш имконини беради. Бироқ, сейсмик таъсирларга мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг меъёрий услублари гидротехника иншоотлари, ер ости коммуникациялари, йўл ўтказгичлар, ер усти иншоотлари, қияликлар, ён бағирлар ва бошқа иншоотларни бир ўлчамли моделлар асосида ҳисоблашга асосланган бўлиб, иншоотнинг динамик таъсирларда фазовий ўзини тутишини тўла акс эттирмайди, иншоот материалининг бир жинсли эмаслигини, конструкция элементларининг ўзаро таъсирини эътиборга олмайди.

Шунга қарамай, илм-фаннинг ривожланиши билан амалиётда материалнинг анизотроплигини яққол акс эттирувчи турли хил композицион материаллар қўлланилмоқда.

Зилзилабардош қурилиш назарияси ва амалиётида ҳисоблашлар ҳамда назарий ғояларни катта масштабдаги тажриба синовлар ёрдамида текширишлардан ўтказиш лозим. Бу бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида халқаро умумқабул қилинган усул ҳисобланади.

Иншоотларга сейсмик таъсирлар грунтнинг тебраниши орқали ўтади ва бу жараён иншоотларнинг грунт билан ўзаро таъсири ҳамда бошқа бир қатор ўзига хосликлари билан характерланади. Зилзиланинг интенсивлиги зилзила ўчоғидан чиққан энергия миқдорига, муҳитнинг тузилишига ва грунт шароитига, муҳитнинг эластиклик хоссасига, иншоотнинг динамик хоссалари (хусусий тебраниш даври, зичлиги, ва бошқалар)га боғлиқдир.

Ер усти иншоотлари учун энг кўп тарқалган ҳисоблаш схемаларидан бири кўп массали консол ва стержен схемаси ҳисобланади. Конструкциянинг фазовий тебранишини ҳисобга олиш жараёни сифатида маълум бикир-

ликда бириккан бир неча йиғилган массалардан ташкил топган тизимнинг тебраниши намоён бўлади. Бундан ташқари, иншоотларнинг эгилишдаги тебранишига ишлайдиган балка кўринишидаги моделлар ҳам мавжуд.

Кучли зилзила натижасида биноларнинг структуравий шикастланиши ва бузилишининг таҳлили ҳисоблаш услублари ҳамда моделлаштиришда турли камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги масалаларни ўрганиш бино ва иншоотларнинг кучли зилзила таъсирида бузилиши ҳамда шикастланишини кузатиш билан боғлиқдир. Сейсмик таъсирларда иншоот тебранишининг хусусий частотаси юк-ламалар частотасига тенг бўлса, иншоотнинг зарарланишига олиб келувчи резонанс режими вужудга келиши мумкин. Шунинг учун, сейсмик таъсирларда бино реакциясини шу типдаги чекланишлар билан ҳисобга олиш бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Фазовий ҳисоблаш моделларидан фойдаланиб иншоотнинг динамик кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ўрганиш иншоотларнинг фазовий ҳолатини, конструктив ечимларнинг ўзига хослигини, конструкция элементларининг ўзаро таъсирини, юк кўтарувчи конструкцияларнинг заифлашишини ва бир жинсли эмаслигини ҳисобга олиш имконини беради.

Гидротехника иншоотларининг турли хил кўринишдаги юкламаларда (статик, динамик ёки сейсмик) кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ва динамик ўзини тутишини илмий ўрганиш текис ва фазовий масалаларни ҳисоблаш моделларидан фойдаланиб амалга оширилади. Бундан ташқари, грунт тўғонининг мустаҳкамлиги ва устуворлигини аниқлашда ён бағирларнинг устуворлигини таъминлашда катта рол ўйнайдиган грунтнинг филтрлаш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

якка тартибдаги уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш;

зилзилабардошликни таъминлашда аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича зарур чораларни белгилаш;

биноларнинг зилзилабардошлигини экспресс аниқлаш усулларини жорий қилиш;

давлат аҳамиятига эга йирик бино ва иншоотлар зилзилабардошлигининг доимий мониторингини олиб бориш ҳамда уларни тез, содда ва камчиқим методлар орқали кузатиб боришнинг ягона электрон базасини шакллантириш;

сейсмик фаол зоналарда жойлашган бино ва иншоотлар майдонининг зилзилалар оқибатида юз берган деформацияси, силжиши, чўкиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган радиолокацион космик мониторинг тизимини жорий этиш;

сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлик даражасини доимий космик мониторинг қилиш тизимини яратиш;

замонавий компьютер дастурий таъминотларини маҳаллий меъёрий

ҳужжатлар базасига интеграция қилган ҳолда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш.

3-§. Сейсмологик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш йўналиши

Ҳозирги кунда республикада сейсмологик кузатувлар тармоғида 40 та сейсмик станция мавжуд бўлиб, уларнинг 24 соат узлуксиз ишлаши таъминланган.

Сейсмик станцияларнинг 15 таси қояли тош жинсларида, 24 таси юмшоқ яхлит жинсларда, 1 таси юмшоқ яхлит бўлмаган жинсларда жойлашган. Ушбу станцияларнинг 11 тасида кенг полосали юқори сезувчан сейсмометр, қолган станцияларда қисқа даврли паст шовқинли сейсмометрлар ўрнатилган.

Республика ҳудудини комплекс мониторинг қилиш мақсадида, Сейсмопрогностик мониторинг республика марказида 10 та комплекс-прогностик станция ҳамда магнитометрик кузатув пунктлари мавжуд.

Шу билан бир қаторда, сейсмик кузатувлар тармоғида қуйидаги муаммолар мавжуд:

сейсмик кузатувлар тармоғи тўлиқ автоматлаштирилмаган;

сейсмик кузатувлар тармоғи халқаро мониторинг тармоқларига интеграция қилинмаган;

мавжуд станцияларнинг аксарият қисми халқаро стандартларга мос келмайди;

республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш кўрсаткичи паст;

14 та станция шаҳарлар марказида жойлашган бўлиб, бу ҳудудларда ҳалақит қилувчи тўлқинлар даражаси юқори ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, сейсмологик кузатувлар соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳалақит қилувчи тўлқинлар даражаси паст бўлган сейсмик станцияларда Интернет тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

станциялар жойлашуви республиканинг муҳим объектлари атрофида бўлишини таъминлаш;

кенг полосали юқори сезувчан сейсмометрлар сонини ошириш ва тўлиқ тармоқни қоплаш имкониятини яратиш;

мавжуд сейсмометрлар ва регистраторларни техник параметрларга мувофиқлаштириш чораларини кўриш;

қўшни республикалар сейсмик станциялари билан тўғридан-тўғри маълумотлар алмашиш тизимини такомиллаштириш;

миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқаларини таъминлаш;

автоматлаштириш комплекс-прогностик станциялар сонини кўпайтириш ҳисобига республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш;

кузатув пунктларининг асосий қисмини ер ёриқлари кесишмасида жойлаштириш;

рақамли протон магнитометрларнинг сонини ошириш;

комплекс-прогностик станцияларнинг асосий қисмини кузатув кудуклари ҳудудида жойлаштириш;

нефть-газ ва оғир саноат, кон металлургия объектларининг фаолияти натижасида заминда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб бориш тизимини яратиш.

4-§. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-4794-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти таркибида Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш шўъбаси (кейинги ўринларда — Шўъба) ташкил этилди ҳамда Шўъбанинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Бугунги кунда Шўъба сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул давлат органлари ва ташкилотлари билан доимий фаолият олиб бормоқда.

Жумладан:

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг зилзилалар вақтида аҳоли томонидан тегишли ҳаракатлар ва тадбирлар амалга оширилиши, сейсмопрогностик мониторинг амалга оширилишини ташкил этиш ҳамда кучли ва талафотли зилзилалар содир бўлиши хавфи мавжуд бўлганида уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги;

Қурилиш вазирлигининг қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш соҳасидаги;

Фанлар академиясининг сейсмик хавфни турли масштабларда баҳолаш, сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш, зилзилаларни вақт кесимида прогноз қилиш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича услубиётларни ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг сейсмик хавфи ва сейсмик хатарига доир турли масштабли хариталарини тузиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштирмоқда.

Ҳозирда сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ҳамда қўшим-

ча вазифаларни бажариш учун Шўъба фаолият йўналишларини кенгайтириш зарурати мавжуд.

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш учун Шўъба қуйидаги соҳалар йўналишларида салоҳиятли кадрларга эга бўлиши лозим:

сейсмология соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тартибга солиш;

аҳоли ва давлат органларини зилзилада ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда сейсмопрогностик мониторинг қилиш;

республика ҳудудида қурилаётган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш ҳамда назорат қилиш (худудлар бўйича) тизимини такомиллаштириш;

сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини таъминлаш;

сейсмик хавфсизлик соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш; бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини электрон техник паспортлар асосида мониторинг қилиш ҳамда уларни мустаҳкамлаш.

4-боб. Концепциянинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар

Концепциянинг амалга оширилиши сейсмология, иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини янада ривожлантиришга ҳамда келажакда Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва фавқулодда ҳодисаларда мавжуд ресурсларнинг оқилона тақсимланишига имкон беради.

Концепцияда режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагилар кутилмоқда:

аҳоли барча қатламининг бўлиши мумкин бўлган зилзилаларга тайёргарлиги оширилади ва кучли зилзилада аҳоли ўртасидаги ўлим кўрсаткичи ва моддий зарар қийматининг сезиларли даражада камайишига эришилади;

кучли зилзилаларнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли даракчиларини аниқловчи мажмуаларни тайёрлашнинг янги модели яратилади;

ер қобиғидаги локал сейсмик фаол тектоник ёриқларнинг техноген кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолайдиган миқдорий моделлар ишлаб чиқилади;

Ўзбекистон ҳудудининг ўрта масштабли сейсмик потенциали баҳоланган турли даражадаги ер ёриқларининг харитаси ишлаб чиқилади;

минтақавий даражадаги сейсмик хавфни баҳолашнинг илмий-услубий асослари ҳамда Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабли сейсмик хатар харитаси ишлаб чиқилади ва унинг базасида дастурий таъминот яратилади;

вилоят марказларининг йирик масштабларда муҳандислик кўрсаткич-

лари бўйича ишлаб чиқилган сейсмик микрохудоудлаштириш хариталари ишлаб чиқилади;

ўта ноёб ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда юқори қаватли бино ва иншоотларнинг сейсмик хатарини баҳолаш ва уни мониторинг қилиш методикаси ишлаб чиқилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кесимида босқичма-босқич сейсмик хатар баҳоланади ва уларнинг ҳудуди учун 1:200 000 масштабда сейсмик хатар харитаси ишлаб чиқилади;

бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолашнинг замонавий услублари ишлаб чиқилади ва уларни техник ҳолати тадқиқ қилинади;

жамоат, тураржой, саноат бинолари ва иншоотлари учун сейсмик хавф баҳоланади;

Ўзбекистон Республикасидаги энг сейсмик фаол, ўрта фаол ва тинч ҳудудлар ҳамда майдонларни ўзида мужассамлаштирган интерактив онлайн харита ишлаб чиқилади;

сейсмик фаол зоналарда жойлашган бино ва иншоотлар майдонининг зилзилалар оқибатида деформацияси, силжиши, чўкиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган радиолокацион космик мониторинг тизими жорий этилади;

сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини тадқиқ этиш доимий космик мониторинг қилиш тизими орқали амалга оширилади;

геоахборот технологияларини қўллаган ҳолда зилзила натижасида тўғон ўпирилиши оқибатида сув босиши мумкин бўлган ҳудудларнинг визуал моделлари яратилади;

зилзила натижасида сув омборлари тўғонлари ўпирилиши оқибатида қутқарув ишларини ташкиллаштиришида тегишли вазирлик ва идораларни зарур космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаш тизими яратилади;

хаётни таъминловчи тизимларни сейсмик мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқилади, иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнида фойдаланиш учун лойиҳа ташкилотларига тарқатилади;

сейсмик ва комплекс-прогностик кузатувлар тармоғи тўлиқ автоматлаштирилади ва жаҳон талабларига мос равишда такомиллаштирилади;

сейсмик станциялар тармоғи оптималлаштирилади, республика бўйича икки ва ундан юқори ($M \geq 2,0$) магнитудали зилзилаларни қайд этиш имконини берувчи тармоқ яратилади;

республикадаги муҳим объектлар ҳудудларини локал сейсмик ва комплекс мониторинг қилиш имконияти яратилади. Янги тизимда объектлар жойлашуви ҳисобга олинган ҳолда кузатув станциялари жойлаштирилади;

сейсмик кузатувлар тармоғи халқаро мониторинг тармоқларига интеграцияланади ва халқаро талаб даражасидаги кузатувлар тармоғи яратилади;

кузатув пунктлари сонининг кўпайиши прогноз маълумотларининг сифати ва аниқлик даражасини оширади;

прогноз йўналишлари жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда кенгайтири-

лади, қўшимча кузатув усуллари (ернинг деформацияланганлиги, GPS кузатувлар ва ҳоказо) ўзлаштирилади ва прогноз йўналишига татбиқ этилади, прогноз сифат даражаси оширилади;

маҳаллий хомашёдан хусусий уйларнинг (индивидуал биноларни) элементар усулда зилзилабардошлигини ошириш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилади;

Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг сейсмик ва комплекс прогностик станциялари билан прогноз маълумотлар алмашинуви жараёни рақамлаштирилади;

Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг рақамлаштирилган сейсмик кузатувлар ҳамда кучли зилзилаларни қайд этиш тармоғи яратилади;

замонавий асбоб-ускуналарда ўтказилган гидрогеосейсмологик тажрибалар асосида гидрогеодинамик майдонлардаги аномал ўзгаришларга асосан ўрта ва узоқ муддатли зилзила даракчиларини аниқлашнинг замонавий рақамли (автоматлашган) усули яратилади;

кучли зилзилалар (ўрта ва қисқа муддатли, макон ва замон бўйича) тўғрисида дарак берувчи мажмуаларни тайёрлашнинг янги модели яратилади ва зилзиланинг намоён бўлиш қонуниятлари ишлаб чиқилади;

фуқаролар учун зилзила вақтида тегишли ҳаракат ва тадбирларни амалга ошириш бўйича услубий қўлланма ҳамда видео роликлар тайёрланади;

республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилаётган беш қаватдан юқори танланган биноларни табиий (вибродинамик ускуна, рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ва бошқалар ёрдамида) синовдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади;

Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти базасида қурилиш конструкцияларини динамик синовлардан, моделлаштирилган бино ва иншоотларни сейсмоплатформа ёрдамида экспериментдан ўтказишга мўлжалланган замонавий лаборатория ташкил этилади;

тегишли олий таълим ташкилотлари сейсмик хавфсизликни таъминлаш йўналишларида кадрлар тайёрлашни амалга оширади ҳамда зарур асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари ҳамда бутловчи материаллар билан таъминланади;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул давлат органлари ва ташкилотларининг соҳага оид фаолият йўналиши бўйича моддий-техника базаси мустаҳкамланади;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари ишлаб чиқилади, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирлар, шу жумладан хорижий мамлакатларда стажировкалар ташкил этилади;

республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилаётган бино ва иншоотларни зилзила кучини сўндирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш ҳамда зилзилабардошлигини оширувчи янги инновацион қурилиш материаллари билан қуриш амалиёти йўлга қўйилади;

аҳолининг бўлиши мумкин бўлган зилзилаларга тайёргарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади ва мунтазам семинар-тренинглар ўтказилади;

республиканинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг бино ва иншоотлари босқичма-босқич инструментал текширувдан ўтказилади;

кўприклар, транспорт тоннеллари, йўллар, метрополитенлар, ер ости иншоотлари ва бошқа тизимларнинг сейсмик заифлигини назорат қилиш учун электрон техник паспортлар (электрон (рақамли) маълумотлар базаси)ни шакллантириш амалиёти жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

189 Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республика аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда оқова сув хизматларини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари қамровини ошириш орқали уларнинг муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда соғлигини сақлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига асосан:

республика аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш;

марказлашган ичимлик сув билан қисман таъминланган 4 658 та ва марказлашган ичимлик сув билан таъминланмаган 2 263 та маҳалла фуқаролар йиғинларида лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ҳамда ичимлик сув таъминотини яхшилаш асосий мақсадли кўрсаткичлардан этиб белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

марказлашган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш хизмати билан қамров даражасини ошириш бўйича Қорақалпоғистон Респуб-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 майда эълон қилинган.

ликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

республикадаги ичимлик сув таъминоти оғир ҳолатдаги маҳаллаларнинг 2022 — 2025 йилларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича йиғма кўрсаткичлари ва дастури 2 — 2о-иловаларга* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда республика ҳудудларида ичимлик сув тармоқларини уй хўжалигигача етказиш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ;

умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда тиббиёт муассасаларини 2022 — 2025 йилларда ичимлик сув билан таъминлаш дастури 4 — 6-иловаларга* мувофиқ;

аввалги йилларда қурилиш-монтаж ишлари яқунланмаган ёки фойдаланишга топширилмаган ичимлик ва оқова сув объектларини тўлиқ фойдаланишга топшириш бўйича тармоқ жадвали 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, «Ўзсувтаъминот» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин:

сув таъминоти оғир бўлган 1 545 та маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиш ва уларни тоифаларга ажратиш;

ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қудуқ қазииш, сув минораси қуриш ҳамда тармоқ тортиш ишларини амалга ошириш, хусусан хонадонларгача сув тармоқларини тортиш ишларини аҳолининг ташаббуслари ва таклифларига асосан улар билан ҳамкорликда бажариш;

маҳаллаларда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ижтимоий буюртмаси асосида сув иншооти ҳамда тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш;

қудуқ қазииш ва марказлашган тармоқ тортиб келиш имкони бўлмаган маҳаллаларда ташиб келинадиган сув ҳисобига марказий сув ҳовузларини қуриб, хонадонларга тармоқ тортиш.

3. Белгилансинки:

а) 2023 йилдан бошлаб, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6074-сон Фармонида асосан давлат ижтимоий буюртмалари доирасида аҳоли пунктларини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш учун Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 50 млрд сўм кўзда тутилади;

б) мазкур қарорнинг:

2 — 2о-иловаларида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетлардан жами 444,6 млрд сўм, шу жумладан жорий йилда 106,3 млрд сўм маблағ ажратилади. Бунда, туман ҳокимликлари томонидан ҳар йили маҳаллалар кесимида амалга ошириш механизмлари (хусусий

* 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

секторни жалб қилиш, аҳоли билан ҳамкорликда, давлат ижтимоий буюртмаси асосида) ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган «йўл хариталари» ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

3-иловасида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун «Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан 180 млрд сўм маблағ ажратилади;

4 — 6-иловаларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан жами 50 млрд сўм, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили республика ва маҳаллий бюджетлардан тенг улушларда 50 млрд сўмдан, жами 100 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилади.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирликлар билан биргаликда икки ой муддатда республика бўйича умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда тиббиёт муассасаларининг хатловдан ўтказилишини таъминласин ва натижаларига кўра биринчи навбатда ичимлик сув билан таъминланадиган ижтимоий объектлар бўйича аниқ манзилли дастурларни ишлаб чиқсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

аҳолига қиёслаш муддати тугаган сув ҳисоблагичларни янгисига алмаштириш «Ўзсувтаъминот» АЖ ва ҳудудий сув таъминоти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

республика ҳудудига техник талабларга жавоб бермайдиган сув ҳисоблагичларни ва уларнинг қўшимча воситаларини олиб кириш ҳамда ўрнатиш тақиқланади;

б) ичимлик сув таъминоти объектлари фойдаланишга тайёр ҳолда топширилган тақдирда (ўлчов ускуналари ўрнатилиб, ичимлик сув уй хўжалигигача етказилган тақдирда) аҳолининг ихтиёрига кўра давлат хизматлари марказлари орқали ёки «Ўзсувтаъминот» АЖ билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга ва ўлчов ускуналарини тамғалашга рухсат берилади;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчилар томонидан ҳудудий сув таъминоти корхоналарига масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши талаб этилади. Бунда:

мазкур кичик банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган замонавий сув ҳисоблагичларнинг ҳар бирини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин битта замонавий сув ҳисоблагич учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган айланмадан олинадиган солиқ ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини камайитириш ҳуқуқи берилсин;

2024 йил 1 январдан бошлаб масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичларни ўрнатмаган юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун сувни ҳисобга олиш

ускунаси билан таъминланмаган истеъмолчилар сифатида ҳисоб-китоб амалга оширилади;

г) юридик шахс бўлган истеъмолчиларнинг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари юзасидан дебитор қарздорлиги бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси имзоланган тақдирда, қарзни ундириш истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли билан амалга оширилади;

д) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги давлат ижтимоий буюртмаси асосида ташкил қилинган Ичимлик сув таъминоти корхоналарининг электрон реестрини юритади ҳамда уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

5. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва «Ўзсувтаъминот» АЖ:

Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси номидан олинган давлат ташқи қарзлари бўйича 2022 йил 1 май ҳолатига шаклланган муддати ўтган қарздорликни қайта ҳисоб-китоб қилсин ва мазкур қарздорликни бартараф этиш юзасидан бир ой муддатда тақлиф киритсин;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан техник талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. «Ўзсувтаъминот» АЖ Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзсувтаъминот» АЖ қошида Совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ҳамда ўрнатиш бўйича метрология хизматини ва унинг ҳудудий филиалларини ташкил этсин.

Бунда, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги «Ўзсувтаъминот» АЖ қошида ташкил этиладиган метрология хизматини ва унинг ҳудудий филиалларини аккредитациядан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда:

бир ой муддатда биллинг тизимининг зарур маълумотлар базалари (нотариал, кадастр, ички ишлар, давлат хизматлари, тўлов тизимлари ва бошқалар) билан тўлиқ интеграциясини таъминлаган ҳолда унинг функционал имкониятларини кенгайтириш ишларини яқунласин;

жисмоний ва юридик шахс бўлган истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматларини ҳисобга олиш бўйича тўлиқ ишга туширилган биллинг тизимининг тўғридан-тўғри шартнома асосида доимий эксплуатация қилинишини таъминлаб борсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан:

хар йили биринчи чорак якунига қадар ер ости чучук сув ресурслари камайиб кетаётган ҳудудларнинг рўйхати тасдиқланади;

ер ости чучук сув ресурслари камайиб кетаётган ҳудудларда сувдан фойдаланувчиларга улар тасарруфида бўлган бурғи қудуқлари учун техник паспортлар бир йил давомида беғараз тайёрлаб берилади;

б) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар икки йилда бир марта Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзсுவтаъминот» АЖ билан биргаликда республикада фаолият юритаётган барча сув таъминоти корхоналарини, халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда мутахассисларни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиладиган «Tashkent Water Conference» халқаро кўргазма ва конференцияси ўтказилади.

9. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда икки ой муддатда очиқ сув хавзалари ва жойларнинг рельефига оқизиладиган тозаланган оқова сувларнинг йўл қўйиладиган чекланган концентрация миқдорини қайта кўриб чиқсин ва натижаси бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ уч ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда «Яккабоғ-Қарши» магистрал сув қувурини халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредит маблағлари ҳисобидан қуриш ва мавжуд сув тақсимлаш иншоотларини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 100 миллион АҚШ долларини жалб қилиш ҳамда лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини 2022 — 2024 йилларда амалга оширишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда «Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз ер ости сув конидан сув олиш қувурига яқин бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш» лойиҳаси юзасидан сув олиш қудуқлари, иншоотлар ва магистрал тармоқларини қуриш учун 19,6 гектар ер майдони белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

12. «Ўзбекнефтгаз» АЖ Ғузур туманидаги «Обод», «Дўстлик», «Буюк қарвон йўли», «Тинчлик», «Амир Темур» маҳаллаларидаги 12,5 мингдан кўпроқ аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 23,5 миллиард сўм маблағ Молия вазирлиги ҳузуридаги «Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш» жамғармасига босқичма-босқич жорий йил 1 сентябрга қадар ўтказилишини таъминласин.

13. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ қуйидагиларни:

2023 йилнинг I ярим йиллигида Жаҳон банки билан биргаликда амалга оширилаётган қиймати 78 миллион АҚШ доллари бўлган «Нукус шаҳри ҳамда Тахиатош ва Хўжайли туманлари марказларида канализация тармоқларини қуриш» лойиҳаси бўйича қурилиш ишларини бошласин;

бир ой муддатда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун Қорақалпоғистон Республикасига ажратилган маблағлар ҳисобидан 10 миллиард сўм маблағлар Нукус шаҳри ичимлик сув тозалаш иншоотини реконструкция қилишга йўналтирилишини таъминласин.

14. «Ўзсувтаъминот» АЖ:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда Нукус, Беруний, Мўйнок, Қўнғирот, Қораўзак ва Амударё туманлари ичимлик сув тизимини яхшилашга доир, қиймати 172 миллион АҚШ доллари бўлган Осиё тараққиёт банки иштирокидаги йирик лойиҳа бўйича қурилиш ишларини 2024 йилда якунлаш чораларини кўрсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш» лойиҳасининг 2-босқичи бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ҳамда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш» лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрсин.

15. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ «Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш» лойиҳасининг 2-босқичи бўйича қурилиш ишларини 2023 йилнинг II ярим йиллигида бошласин.

16. Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда Сурхондарё вилоятида сув тақсимлаш иншоотлари ва тармоқларини янгидан қуриш ва бошқариш лойиҳасининг давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширилишини таъминласин ва 2023 йил 1 мартга қадар ўрнатилган тартибда лойиҳанинг концепцияси, техник ва молиявий моделларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва «Ўзсувтаъминот» АЖ тегишли лойиҳа илмий-тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар ичимлик ва оқова сув ҳамда иссиқлик таъминотига оид шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини хатловдан ўтказиб, уларга замонавий талаблардан ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

18. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Э.Т. Юлдашев) мазкур қарор доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

19. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурханов) мазкур қарор доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошқоралиқни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

20. «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқади-

ган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 май,
ПҚ-257-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

190 Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида*

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, жумладан кам таъминланган болали оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод вакиллари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат тадбирларини изчил давом эттириш мақсадида:

1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қуйидаги қатламларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин:

а) ёшга доир, ногиронлик пенсияси ва нафақасини олувчиларга, болаликдан ногиронлик нафақасини ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ва нафақасини олувчи ҳар бир оила аъзосига ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парваришlash нафақасини олувчиларга:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — 300 минг сўмдан;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 майда эълон қилинган.

Тошкент шаҳрида — 400 минг сўмдан.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан бошқа органлар орқали пенсия олувчиларга тегишли вазирлик ва идоралар томонидан мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган шартларда ва миқдорларда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади;

б) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олувчи оилаларга ҳамда кам таъминланган сифатида болалар нафақасини олувчи оилаларнинг ҳар бир 18 ёшга тўлмаган боласига — 200 минг сўмдан.

Бир нечта тоифа бўйича бир марталик моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга бир марталик моддий ёрдам ҳар бир тоифа бўйича тўлаб берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Марказий банк ва тижорат банклари мазкур қарорда белгиланган бир марталик моддий ёрдам тўловларининг икки ҳафта муддатда тўлиқ тўланишини таъминласин.

3. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда мазкур қарор билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Пенсия жамғармасига ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга ажратилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорга мувофиқ кўрсатилаётган бир марталик моддий ёрдамнинг мақсадли ва манзилли етказилишини таъминлаш юзасидан қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

Пенсия жамғармаси — бир марталик моддий ёрдам учун шакллантирилган тўлов қайдномалари бир кунда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва бошқа тижорат банкларига етказилишини таъминлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки, бошқа пенсия ва нафақа тарқатувчи тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан пенсия тайинловчи вазирлик ва идоралар — тегишлилиги бўйича бир марталик моддий ёрдам пуллари эгаларига ўз вақтида манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — бир марталик моддий ёрдамнинг ўз вақтида манзилли тарқатилишини таъминлаш ҳамда назорат қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича;

Молия вазирлиги — зарур маблағларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда пенсия тайинловчи тегишли вазирлик ва идораларга тўлиқ ва ўз вақтида ажратилиши бўйича.

Белгилансинки, уйда вақтинча бўлмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра бир марталик моддий ёрдам пулларини ўз вақтида ололмаган фуқаролар тўланмаган моддий ёрдам пулларини 2022 йил 1 сентябрга қадар олиш ҳуқуқига эга.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари:

а) «Темир дафтар»га киритилган ҳамда мазкур қарорга асосан бир марталик моддий ёрдам пулларини олмаган эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантирсин ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ушбу оилаларнинг ҳар бир аъзосига 20 килограммдан бепул ун тарқатсин;

б) ижтимоий аҳволи оғир бўлган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси ва бошқа манбалар ҳисобидан бепул ун тарқатишни ёки нақд пул кўринишида моддий ёрдам кўрсатиб боришни таъминласин.

Бунда, 2022 йил давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида эҳтиёжманд оилаларнинг аҳволини мунтазам равишда ўрганиб боради.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари орқали ҳудудий «Саховат ва кўмак» жамғармаларига иловага* мувофиқ маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 май,
ПҚ-258-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**191** **Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ва ўсмирларни уларга кенг жалб қилиш, халқаро алоқаларни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги ПҚ–5149-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастурини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар йили тегишли йил учун тасдиқланадиган «йўл харитаси» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги «Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–201-сон қарори билан 2023 йил 1 мартдан бошлаб миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда оммавий спорт мусобақалари ташкил қилинадиган этноспорт турлари рўйхатини тасдиқласин;

2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида этноспорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш учун зарур маблағлар кўпайтирилиши ҳамда ажратилишини таъминласин;

2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ, этноспорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, алоҳида этноспорт турини ривожлантириш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларини ташкил қилиш чораларини кўрсин;

болалар ва ўсмирлар ҳамда ёшларни этноспорт турларига жалб қилиш, шу жумладан Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривож-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 майда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лантириш дастури ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Аслонов) ҳамда Ўзбекистон этносспорт ассоциацияси (О. Норинбаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йилдан бошлаб этносспорт турлари бўйича мусобақаларни ҳар йили анъанавий тарзда 1 мартдан ўтказсин.

Белгилансинки, этносспорт турлари бўйича мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Аслонов) ҳамда Ўзбекистон этносспорт ассоциацияси (О. Норинбаев) қуйидаги асосий йўналишларни босқичма-босқич амалиётга татбиқ қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин:

аҳолининг барча қатламларини этносспорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, этносспортни оммалаштириш ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш; маҳаллаларда этносспорт турлари бўйича халқ ўйинлари ва мусобақаларни ўтказиш;

Бутунжаҳон этносспорт конфедерацияси билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, бу борада халқаро алоқаларни ривожлантириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йилдан бошлаб анъанавий тарзда:

Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба этносспорт турлари бўйича «Uzbekistan Ethno Games» республика фестивали;

Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба Халқаро этносспорт фестивали ташкил қилинади. Бунда, «Ичан қалъа» мажмуасида фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Аслонов), Ўзбекистон этносспорт ассоциацияси (О. Норинбаев) Тошкент шаҳар (Ж. Артикходжаев) ва Хоразм вилояти (Ф. Эрманов) ҳокимликлари билан биргаликда юқоридаги фестивалларни юқори савияда ташкил қилиш, мусобақаларга ёшларни кенг жалб қилиш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда, тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (А. Абдухакимов) юқоридаги фестивалларни туристик маршрутлар объектлари рўйхатига киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилсин ҳамда туристларга миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг тарихи ва аҳамияти ҳақида маълумотларни етказиш чораларини кўрсин.

5. Мактабгача таълим вазирлиги (Б. Онорбоев), Халқ таълими вазирлиги (У. Шарифходжаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (К. Каримов) Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Аслонов) ҳамда Ўзбекистон этносспорт ассоциацияси (О. Норинбаев) билан биргаликда:

миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг моҳияти ҳақида тарғибот материаллари (қўлланма, буклет, баннер, флайер ва бошқалар)ни тайёрласин ҳамда барча таълим муассасаларида уларнинг жисмоний, интеллектуал,

маънавий-ахлоқий жихатдан ўрни ҳақида жисмоний тарбия дарслари ҳамда маънавият соатларида тушунчалар берилишини ташкил этсин;

ижтимоий тармоқларда ёшларни этносспорт турларига кенг жалб этиш, улар ўртасида мусобақаларни оммалаштиришга қаратилган мотивацион роликлар тарқатсин;

таълим муассасаларида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақаларнинг мунтазам равишда ўтказилишини ташкил этсин, голиб ва совриндор бўлган жамоаларни ўз маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш чораларини кўрсин;

таълим муассасаларида малакали устозлар, тренерлар, полвонлар ҳамда мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, маҳорат сабоқлари ташкил этилишини таъминласин.

6. Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлигининг:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Республика эстрада цирк коллежида полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш;

2023 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир мартаба полвонлар ва дорбозлар иштирокида «Полвонлар сулоласи» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) уч ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда дорбозлик ва полвонлик йўналиши бўйича ўқув режа ҳамда ўқув дастурларини тасдиқласин;

Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «Полвонлар сулоласи» кўрик-танлови тўғрисидаги низомни тасдиқласин. Бунда, кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) 2023 — 2025 йиллар учун давлат илмий-техникавий дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари учун танлов эълон қилинишини таъминласин.

8. Спортни ривожлантириш вазирлиги Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон этносспорт ассоциацияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия билан биргаликда 2023 йил якунига қадар малакали мутахассис ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

ЮНЕСКО ташкилотидан номоддий маданий мерос мақоми олиниши мумкин бўлган этносспорт турлари рўйхатини шакллантирсин;

этноспорт турларининг ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига тавсия этилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда ҳар бир туман (шаҳар)нинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда,

жорий йил учун миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини оммалаштириш ва ривожлантириш, спорт мусобақаларини ташкил қилиш бўйича ҳудудий дастурларни қабул қилсин, шунингдек, келгусида шундай дастурларни ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

2023 йилги ва келгуси йиллардаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий календарь режаларига туман (шаҳар)ларда этноспорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

2023 йилдан бошлаб Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар доирасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил этсин;

«устоз-шоғирд» анъанаси асосида давом этиб келаётган полвонлик ва дорбозлик санъатини янада кенгроқ оммалаштириш мақсадида полвонлик ва дорбозлик санъати тўғарақларини ташкил этсин;

2023 йил 1 январга қадар ҳар бир ҳудудда от спорти турларига тегишли бўлган анжомларнинг савдосини йўлга қўйиш мақсадида дўконлар фаолиятини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедиясини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўплам ҳолида нашрга тайёрлаш ишлари якунланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Аслонов), Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О. Норинбаев), Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази (Н. Юсупов) икки ой муддатда:

энциклопедиянинг чоп этилиши ҳамда Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси, ЮНЕСКО, вазирлик, идора, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа ташкилотларга тақсимот бўйича етказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда энциклопедия тақдимотини ташкил этсин ҳамда ушбу жараёни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини амалга оширсин.

11. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Аслонов), Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О. Норинбаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) икки ҳафта муддатда мазкур қарор асосида амалга оширилаётган ишларни оммалаштиришга қаратилган мақолалар, тематик телекўрсатувлар ташкил этиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг тарғиб қилиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

«Миллий халқ ўйинлари — миллий ғурур» рукни тўғрисида махсус роликлар тайёрлаш ва эфирга жойлаштириш;

миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тарғиб қилиш ҳамда янада оммалаштириш бўйича полвонлар ва фахрий устозлар иштирокида туркум кўрсатувларни ташкил этиш;

ёшлар ўртасида ўзбек миллий халқ ўйинларини кенг тарғиб этиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, соғлом турмуш тарзига амал қилишга ундашга қаратилган кўрсатувларни намойиш этиш орқали оммалаштириш.

12. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов, спортни ривожлантириш вазири ўринбосари А.У. Аслонов, Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси раиси О.К. Норинбаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 май,
ПҚ-259-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 25 майдаги
ПҚ-259-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Этноспорт турларини 2025 йилгача
оммалаштириш ва ривожлантириш
ДАСТУРИ**

1-боб. Амалдаги ҳолат

Мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) 6 та йўналишга бўлиш мумкин: ҳаракатли ўйинлар, интеллектуал ўйинлар, ҳарбий ўйинлар, столда ўйналадиган ўйинлар, чўпончилик, ов қилиш ўйинлари.

Ўтган давр мобайнида айрим этноспорт турлари бўйича бошқариш тизими яратилди, спортчилар ва тренерлар захираси шакллантирилди, мусобақаларни доимий равишда ўтказиш ва уларни молиялаштириш йўлга қўйилди, бунинг эвазига юқори натижаларга эришилди.

Хусусан, 2017 йилда Ўзбекистон белбоғли курашчилари дунё рейтингида 2-ўринни олиб, 2020 йил ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг 30 га яқин мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллади.

Қарабтеп (ланка) ўйини 7 минг йиллик тарихга эга бўлиб, нафақат Марказий Осиёда, балки Хитой, Шимолий Кавказ, Сибирь ҳамда Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалган.

Чиллак ўйини ўзига хос хусусиятлар ва нозик томонларга эга бўлиб, қатнашчилардан зукколик, ўйин маданиятини, жисмоний бақувватликни, жасурликни талаб қилади. Мазкур ўйин Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарқатилган.

Наврўз байрамлари, ҳосил байрамлари, халқ сайилларида ҳамда тўй маросимларида улоқ-қўпқари ва от пойгаси бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда. 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон улоқ-қўпқари федерацияси ўз фаолиятини амалга ошириб, халқаро улоқ-қўпқари ва от пойгаси мусобақаларини ташкил қилиш ҳамда ҳамюртларимизнинг иштирокини таъминлашда катта ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирда республикада 40 та оилавий дорбозлик гуруҳлари фаолият қўрсатиб келмоқда. «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасасининг «Ўзбекистон дорбозлари» жамоалари қадимги дорбозлик анъаналарини замонавий циркнинг бадиий ифода воситалари билан бойитиб келмоқда.

Шу билан бирга, этносспорт турлари бўйича маҳалларда тизимли равишда мусобақалар ва фестиваллар ўтказиш, бунинг учун тегишли инфратузилма яратиш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини халқаро даражага олиб чиқиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, уларни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида кўплаб муаммолар мавжуд.

Шу сабабли, Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилди.

Дастур этносспорт турларини тизимли ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, асосий йўналишлари, истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда келгусида ушбу йўналишда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2-боб. Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистонда этносспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари куйидагилар ҳисобланади:

биринчи йўналиш — аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ўсмирлар ва ёшларнинг этносспорт турлари билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, этносспорт турлари бўйича республика ва ҳудудий мусобақаларни, шу жумладан Куролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўтказиш;

иккинчи йўналиш — этносспорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар, мутахассислар ва бошқа кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, илмий тадқиқотлар ўтказиш;

учинчи йўналиш — миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг мо-

ҳияти ҳақида тарғибот материалларини (қўлланма, буклет, баннер, флайер ва бошқаларни) тайёрлаш, таълим муассасаларида тарғибот ишларини олиб бориш, малакали устозлар, полвонлар, тренерлар ҳамда мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, маҳорат сабоқларини ўтказиш;

тўртинчи йўналиш — халқаро ҳамкорликни кучайтириш, этносспорт турларини янада оммалаштириш ва ривожлантириш.

**1-§. Биринчи йўналишдаги вазифаларни рўёбга чиқариш
учун қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга
ошириш лозим:**

1.1. Оммавий спорт мусобақалари ташкил қилинадиган этносспорт турлари рўйхатини тасдиқлаш.

1.2. Этноспорт турлари билан шуғулланиш ва уларни тарғиб қилиш бўйича маҳаллаларда аҳолини кенг жалб қилиш ишларини ташкил этиш.

1.3. Маҳаллаларда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказиш.

1.4. Болалар ва ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг тарғиб этиш мақсадида этносспорт турлари бўйича уч босқичли мусобақаларни ташкил этиш: биринчи босқич — туман (шаҳар) мусобақалари, иккинчи босқич — вилоят мусобақалари, учинчи босқич — республика (финал) мусобақалари.

1.5. Этноспорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

1.6. 2023 йилги ва келгуси йиллардаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаларида этносспорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш учун зарур маблағлар миқдорини кўпайтириб бориш.

1.7. Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба этносспорт турлари бўйича «Uzbekistan Ethno Games» республика фестивалини ташкил этиш.

1.8. Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба Халқаро этносспорт фестивалини ташкил этиш. Бунда, «Ичан қалъа» мажмуасида фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимларини ўтказиш.

1.9. Ҳар икки йилда бир маротаба полвонлар ва дорбозлар иштирокида «Полвонлар сулоласи» кўрик-танловини ўтказиш.

1.10. «Устоз-шогирд» анъанаси асосида давом этиб келаётган дорбозлик ва полвонлик санъатини янада кенгроқ оммалаштириш мақсадида дорбозлик ва полвонлик санъати тўғрақларини ташкил этиш.

1.11. Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳар йили улоқ-кўпқари, от пойгаси, миллий кураш ва бошқа этносспорт турлари бўйича турнирларни ташкил қилиш.

1.12. Алоҳида этносспорт турини ривожлантириш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларини ташкил қилиш масаласини ўрганиш ва таклиф киритиш.

**2-§. Иккинчи йўналишдаги вазифаларни рўёбга чиқариш
учун қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга
ошириш лозим:**

2.1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Республика эстрада цирк колледжида дорбозлик ва полвонлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.

2.2. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб этноспортнинг бошқа турлари бўйича (шу жумладан, миллий кураш, турон кураши, белбоғли кураш, бел олиш ва учкураш, баходирлар ўйинлари ва тош кўтариш, улоқ-кўпкари, от пойгаси, ўзбек жанг санъати, дорбоз, қарабтеп/ланка) мутахассисларни тайёрлаш.

2.3. Дорбозлик ва полвонлик йўналишлари, шунингдек, этноспортнинг бошқа турлари бўйича ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2.4. Этноспорт турлари бўйича хорижий тажрибани ўрганиш орқали ўқув-машғулотлар жараёнига замонавий илмий-инновацион технологияларни кенг жорий қилиш.

2.5. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш.

**3-§. Учинчи йўналишдаги вазифаларни рўёбга чиқариш
учун қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга
ошириш лозим:**

3.1. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг моҳияти ҳақида тарғибот материалларини (қўлланма, буклет, баннер, флайер ва бошқалар) тайёрлаш.

3.2. Болалар ва ўсмирлар учун алоҳида шартларни назарда тутувчи «Миллий халқ ўйинлари» ўқув методик қўлланмасини нашр этиш.

3.3. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида этноспорт турларининг жисмоний, интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўрни ҳақида жисмоний тарбия дарслари ҳамда маънавият соатларида тушунтиришлар бериш.

3.4. Ижтимоий тармоқларда ёшларни этноспорт турларига кенг жалб этиш, улар ўртасида мусобақаларни оммалаштиришга қаратилган мотивацион роликлар тарқатиш.

3.5. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида малакали устозлар, тренерлар, полвонлар ҳамда мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, маҳорат сабоқлари ташкил этиш.

**4-§. Тўртинчи йўналишдаги вазифаларни рўёбга чиқариш
учун қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга
ошириш лозим:**

4.1. Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш мақсади-

да Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси, ЮНЕСКО ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш.

4.2. Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси, ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотлар иштирокида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.

4.3. Малакали мутахассис ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ЮНЕСКО ташкилотидан номоддий маданий мерос мақоми олиниши мумкин бўлган этноспорт турлари рўйхатини шакллантириш, шунингдек, уларни ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритиш бўйича тавсия бериш.

4.4. Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедиясини ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиш, тақдиротини ўтказиш ҳамда уни халқаро ва маҳаллий ташкилотларга етказиш.

4.5. Тошкент шаҳрида Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари музейини ташкил қилиш.

4.6. Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантиришга қаратилган мақолалар, тематик телекўрсатувлар тайёрлашни назарда тутувчи медиа-режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.7. «Миллий халқ ўйинлари — миллий ғурур» номли махсус роликлар тайёрлаш ва эфирга узатиш бўйича танлов эълон қилиш.

4.8. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тарғиб қилиш ва янада оммалаштириш бўйича полвонлар ва фахрий устозлар иштирокида туркум кўрсатувларни ташкил этиш.

4.9. Худудий телерадиоканаллар орқали этноспорт турларини янада кенг тарғиб қилиш, шунингдек, маҳаллий мусобақаларни ўтказиш жараёнларини мунтазам ёритиш.

4.10. Ҳар бир туман (шаҳар)нинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, жорий йил учун миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини оммалаштириш ва ривожлантириш, спорт мусобақаларини ташкил қилиш бўйича худудий дастурларни қабул қилиш.

4.11. Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар доирасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ва халқ ўйинларини ташкил этиш.

4.12. Болалар ва ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасида ўзбек миллий халқ ўйинларини кенг тарғиб этиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, соғлом турмуш тарзига амал қилишга ундашга қаратилган кўрсатувларни намойиш этиш орқали оммалаштириш.

4.13. Этноспорт турлари бўйича мусобақалар ва фестивалларни туристик маршрутлар объектлари рўйхатига киритиш, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилиш, туристларга миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг тарихи ва аҳамияти ҳақида маълумотларни етказиш.

3-боб. Дастурни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Мазкур Дастурда белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

республикада этносспорт турларининг оммавийлигини ошириш ҳисобига этносспорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони кўпаяди;

мусобақалар ўтказишнинг янги тизимини яратиш натижасида этносспортчиларнинг республика ва халқаро мусобақаларда иштироки кенгайди ва бундай мусобақаларнинг мамлакатимизда кўпроқ ўтказилиши натижасида халқаро унвон талабларини бажариш имконияти ошади, шу орқали спорт усталари, халқаро тоифадаги спорт усталари етишиб чиқиши таъминланади;

мусобақаларни тизимли равишда ўтказиш орқали иқтидорли ёшлар ва ўсмирлар саралаб олинади ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар таркибида сифатли спорт захираси шаклланади;

худудларда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида мусобақаларни тизимли ва юқори савияда ташкил этиш орқали этносспортнинг ривожланиш суръати жадаллашади;

этноспорт бўйича кўрик танловлар ва маҳорат сабоқларининг тизимли ўтказилиши натижасида этносспорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантиришга эришилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

192 **Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ғаллани давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдан ортиқ харид қилишдан воз кечиш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йил ҳосилидан сўғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 2,5 тоннадан жами 2 550 минг тонна буғдойнинг:

1 783,5 минг тоннасини товар буғдой давлат ресурси сифатида ҳамда 266,5 минг тоннасини уруғлик учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан харид қилиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 майда эълон қилинган.

500 минг тоннасини фермер хўжаликлари ҳамда бошқа галла етиштирувчилар (кейинги ўринларда — буғдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун Жамғарманинг тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил ҳосили учун:

а) «Ўздонмаҳсулот» АК тизимидаги корхоналар товар буғдойни Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, харидорларга жўнатиш тадбирларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланади;

б) давлат ресурсларига харид қилинган товар буғдой учун тўловлар буғдой етиштирувчиларга тижорат вакили томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўйидаги босқичларда амалда оширилади:

дастлабки босқичда — Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нархларда;

кейинги босқичда — биржада шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиқиб, буғдой етиштирувчилар билан тўлиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади;

в) буғдой етиштирувчилардан тижорат вакилида вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган товар буғдой 2022 йилнинг июль-август ойларида биржа савдолари орқали сотилади. Бунда:

буғдойни ташиш (шу жумладан ички ташиш), қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга жўнатиш харажатлари тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади;

буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартиб асосида ҳисобдан чиқарилади;

буғдойнинг сифати ва сақланиши бўйича назорат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган ва буғдой етиштирувчилардан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган:

3 ва ундан юқори синфлардаги буғдой — мулкчилик шаклидан қатъи назар, биржадан харид қилинган буғдойнинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги унни биржа савдолари орқали сотиш мажбуриятини олган, ун ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига;

4- ва 5-синфлардаги буғдой — барча тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган график асосида биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилади.

Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган таклифи асосида мазкур бандда назарда тутилган тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2023 йил 1 майга қадар Вазирлар Маҳкамасига мазкур бандда назарда тутилган тартибни 2023 йил ҳосили учун сақлаб қолиш ёки биржа савдоларини чекловларсиз ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Молия вазирлиги «Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналарга биржадан буғдой сотиб олиш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадида Жамғарма маблағлари ҳисобидан 800 млрд сўмгача тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида ресурс жойлаштирилишини таъминласин.

5. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда буғдой етиштирувчилар томонидан етиштирилган буғдойни харид қилиш, вақтинчалик сақлашга қабул қилиш бўйича, Жамғарма ва тижорат вакили ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг олис, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошмаган қисмини маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Жамғарма томонидан харид қилинадиган ва биржа савдолари орқали сотиладиган буғдойнинг ҳисобини юритиш, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига Жамғармага қўшимча 6 та штат бирлиги ажратилсин.

8. Ғаллани сотиб олиш ва сотишда янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда буғдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш бўйича Республика штаби иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика штабининг (Н. Йўлдошев) асосий вазифалари этиб белгилансин:

буғдойни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва бошоқли дон экинлари етиштирилишини молиялаштириш устидан назорат механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш;

ғаллани ўз вақтида йиғиштириб олиш, даладан дон қабул қилиш шохобчаларига нест-нобуд қилмасдан олиб келиш ва график асосида биржа савдоларига чиқариш ишларини ташкил этиш;

тақчилликка йўл қўймаслик ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги истеъмол талаби учун зарур бўлган ун ва ун маҳсулотларини республиканинг бошқа ҳудудларидан ва четдан олиб келиш ҳамда «Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари сақлаб қоллинишини назорат қилиш;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

галлани тасдиқланган график асосида биржа савдоларига чиқариш ҳамда тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш;
галлани сотиб олиш ва сотиш бўйича янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда буғдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўздонмахсулот» АК манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда уч ой муддатда донни қабул қилиш ва омборлардан чиқариш жараёни, шунингдек, Жамғарма, тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасидаги молиявий ҳисоб-китоблар тезкор ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш мақсадида d-xarid.uz ахборот тизимини ишга туширсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини назарда тутувчи қарорни ишлаб чиқсин.

11. Молия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб, қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев, молия вазири Т. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 май,
ПҚ-262-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**193** Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида*

Сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларга замонавий ахборот-технологияларини жорий қилиш орқали уларни рақамлаштириш, бунинг натижасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада кучайтириш ва бир қатор соҳалар вакиллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ушбу йўналишда белгиланган вазифалар амалга оширилишининг тизимлилиги ва изчиллигини таъминлаш, бунинг доирасида адвокатура фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш зарурати мавжуд.

Адвокатура фаолиятида ортиқча сансалорлик, бюрократия ҳамда қоғоз-бозликка чек қўйиш, унинг фаолиятида судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улғулаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Қуйидагилар адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва инсон омилини бартараф этиш орқали адвокатура институтининг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини ошириш;

адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини самарали йўлга қўйиш;

адвокатлар томонидан махсус ахборот дастури орқали жисмоний ва юридик шахсларга онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш;

адвокатура фаолияти учун зарур ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотларни шакллантириш ҳамда уларда сақланадиган маълумотларнинг комплекс ҳимоя қилиниши ва махфийлигини таъминлаш чораларини кўриш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 майда эълон қилинган.

бериш, талабгор томонидан малака имтиҳонини топширишининг амалдаги тартиби сақланган ҳолда, «Лицензия» ахборот тизими орқали амалга оширилади ва расмийлаштириб борилади.

Бунда:

талабгорнинг малака имтиҳонини муваффақиятли топширганлиги ҳақидаги қарор ва тегишли ҳужжатлар «Лицензия» ахборот тизими орқали расмийлаштирилади ва адвокатларнинг электрон реестрига киритилади;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорга адвокатлик лицензиясини олиш учун тегишли адлия органига мурожаат қилмасдан исталган вақтда «Лицензия» ахборот тизими орқали олиш имконияти яратилади;

лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган ҳолатлар «Лицензия» ахборот тизимида автоматик равишда қайд этиб борилади;

б) адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали «ягона дарча» тамойили асосида фақат электрон тарзда амалга оширилади.

Бунда:

адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш), қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш (ҳисобдан чиқариш) учун зарур ҳужжатлар электрон тарзда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига киритилади;

адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларини адлия органининг муҳри билан тасдиқлаш, «рўйхатдан ўтказилган» белгисини қўйиш амалиёти бекор қилиниб, уларга электрон QR-код ва идентификация рақамларини бериш тартиби жорий этилади;

адвокатлик тузилмаси номини рўйхатдан ўтказишда бир хил ёки ўхшаш номларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумот онлайн тарзда олинади;

в) адвокатлик фаолиятини бошлашда малака имтиҳонини топшириш, адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича композит хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Бунда:

малака имтиҳонини топшириш учун тегишли ҳужжатларнинг қоғоз шаклини талабгордан олиш тартиби бекор қилинади ва уларни электрон тарзда юбориш амалиёти йўлга қўйилади;

адвокат мақомига эга бўлишга талабгорнинг белгиланган талабларга мослигини текширган ҳолда имтиҳон вақти ва жойи ҳақида электрон хабар бериш тартиби жорий этилади;

адвокатлик гувоҳномасини махсус QR-код қўйилган ҳолда бериш тартиби жорий этилиб, бу орқали адвокатнинг мақоми ҳақида маълумот олиш имконияти яратилади.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) уч ой муддатда:

адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг (ҳисобга олишнинг) амалдаги тартибини қайта кўриб чиқсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган тартибни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни бажариш чораларини кўрсин.

3. Адлия вазирлигининг 2023 йил 1 январдан фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни назарда тутувчи «Юридик ёрдам» ахборот тизимини ишга тушириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, «Юридик ёрдам» ахборот тизими доирасида:

адвокатлар электрон реестри ва адвокатларнинг шахсий электрон кабинети шакллантирилади;

адвокатнинг шахсий электрон кабинети орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишонч билдирувчи шахс хоҳишига асосан масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн битимлар (шартномалар) тузиш ва онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имконияти яратилади;

адвокатура, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилади (бундан қонун билан муҳофаза қилинадиган сирни ташкил этувчи ахборотлар мустасно);

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида адвокатга электрон хабар бериш имконияти яратилади;

адвокат сўровини электрон юбориш ва адвокат сўрови асосида юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилади;

адвокатнинг ўз аризасига кўра адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш электрон тарзда адвокат томонидан хабарнома бериш шаклида амалга оширилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 февралдан бошлаб:

а) адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатларга муайян ишни олиб бориш учун бериладиган анъанавий шаклдаги ордер (кейинги ўринларда — ордер) мақомига тенг бўлган махсус QR-код қўйилган «Электрон адвокатлик ордери»ни бериш амалиёти йўлга қўйилади;

Бунда:

адвокатлик тузилмаси томонидан ишонч билдирувчи шахс билан тузилган барча шартномаларнинг фақат реквизитлари (шартнома рақами ва унинг тузилган санаси) тўғридан-тўғри «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритилади ва бу QR-код қўйилган «Электрон адвокатлик ордери»ни олиш учун асос бўлади;

адвокат сўрови юборилган давлат органи ёки ташкилот, тегишли ишни кўриб чиқаётган суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан адвокатнинг муайян ишга ваколатлилигини аниқлаш муқобил равишда QR-код қўйилган «Электрон адвокатлик ордери» орқали ҳам амалга оширилиши имконияти яратилади;

б) ордер муқобиллик асосида қоғоз шаклда расмийлаштирилганида, ушбу ордер ҳақидаги маълумотни «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритиш мажбурий ҳисобланади;

в) адвокат сўрови шаклига қўйилган талаблар, шу жумладан унга ордернинг кўчирма нусхасини илова қилиш, ордерни қайд этиш дафттарини юритиш талаблари бекор қилинади.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Юридик ёрдам» ахборот тизими жорий этилиши муносабати билан:

давлат ҳисобидан адвокатларни ишга жалб этиш инсон омилисиз, электрон тартибда тасодифий танлаш йўли билан аниқланади;

адвокатларнинг онлайн малака оширишини ташкил этиш ва малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни электрон шаклда бериш тартиби жорий этилади;

адвокатлик тузилмаларидан статистик маълумотларни анъанавий шаклда йиғиш бекор қилиниб, статистик маълумотлар автоматик равишда умумлаштирилади.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар «Юридик ёрдам» ахборот тизими фаолияти тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тасдиқланишини, мазкур тизимнинг ишга туширилишини, шунингдек, унинг махсус мобил иловаси яратилишини таъминласин.

Адлия вазирлиги «Юридик ёрдам» ахборот тизимининг бошқа ахборот-коммуникация тизимлари билан интеграция қилиниши, унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши ҳамда адвокатлик сири ошкор этилмаслигини таъминлаш учун масъул давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

6. «Юридик ёрдам» ахборот тизимини ишга тушириш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар «Юридик ёрдам» ахборот тизими жорий этилиши муносабати билан адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака ошириш дастурларига адвокатларнинг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш масалаларини киритиш чораларини кўрсин.

8. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқа-

диган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ. Давлетов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 май,
ПҚ-263-сон